



POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • 2010-yil 25-dekabr, shanba • №52 (3893)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 21 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда; №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда, 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 312-модда, №12, 413, 417, 419-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №9, 498-модда, №10, 536-модда, №12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, №4, 158, 159, 164, 165-моддалар, №9, 416, 421-моддалар, №12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, №4, 181, 189, 192-моддалар, №9, 486, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда, №9, 334, 335, 337-моддалар, №10, 380-модда, №12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, №5, 175, 179-моддалар, №6,

231-модда, №9, 335, 339, 341-моддалар, №10, 380-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:
1) куйидаги мазмундаги **49²-модда** билан тўлдирилсин: **«49²-модда.** Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги
Иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги –
Фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;
2) **255-модда:**
биринчи қисми «49» рақамдан кейин «49²» рақами билан тўлдирилсин;
иккинчи қисмининг учинчи хатбоисси куйидаги тахрирда баён этилсин:
«меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун, шунингдек иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги учун – меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари».
2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 декабрь
№УРҚ-268

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 19 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил,

№9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, №4, 158, 166-моддалар, №6, 248-модда, №9, 416, 422-моддалар, №12, 607-модда; 2008 йил, №4, 187, 188, 189-моддалар, №7, 352-модда, №9, 485, 487, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда, №4, 128-модда, №9, 329, 334, 335, 337-моддалар, №12, 470-модда; 2010 йил, №5, 176, 179-моддалар, №9, 341-модда) **177-моддаси** куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Тайёргарлик кураётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очибга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди».
2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь
№УРҚ-271

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА FUҚАРОЛАРИ НАВБАТДАГИ ҚАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҚАРБИЙ ХИЗМАТИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҚАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий қарбий мажбурият ва қарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:
1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қарбув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақирув резервига олинсин.
2. Муудатли қарбий хизматининг белгиланган муудатларини

Муудатли қарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақирилиш муудатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақирув резервига олинсин.
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон

Ўтаб бўлган фуқаролар 2011 йилнинг март-апрель ойларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон

Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь

«ҚАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

БОЛАЛАРГА ҚОИДАЛАРНИ ЎРГАТИШ



Йўлларда қаракат хавфсизлигини таъминлаш, пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда фуқаролар, айниқса, болалар ўртасида профилактик ишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ ИХҲБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими масоҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Улар «Қаракат хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан ишлаб чиқилган режага асосан коллеж, мактаб ва болалар богчаларида йўл қаракати қоидалари юзасидан суҳбатлар, назарий ва амалий машғулотлар ўтказишмоқда.

Сурадта: бўлима инспектори, капитан Улугбек Алимов Яққасарой туманидаги 127-мактабнинг 4-синф ўқувчилари иштирокида йўл қаракати қоидалари бўйича машғулот ўтаяпти.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурад.

Миннатдорлик

КАСБ ФИДОЙИЛАРИГА РАҲМАТ!

Республика Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Бақодир Матқобов номига Тошкент шаҳар қаракатлар ногиронлари жағармаси бошқаруви раиси И. Тошқеновадан миннатдорлик хати келди. Унда жумладан шундай дейилади: «2010 йил 13 декабрь кунин Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 58-мактабда ижарада турган «ALFA – TRENING» шўъба корхонасида қисқа тугташув тўғрисида ёнгин келиб чиқди. Тезда ёнгин ўчирувчиларга хабар берилди. Бу кўнгилсизликдан биринчи бўлиб воқиф бўлган туман ИИБ ҲООб профилактика кат-

та инспектори, майор Абдураҳмон Вақобов ва профилактика инспектори, лейтенант Мурод Тўйчиевлар ёнгин ўчирувчилар келгунча қадар воқеа жойида зарур қораларни кўрдилар. Уларнинг дадил қаракатлари тўғрисида йўл қаракатларининг саломатлигига зарар етмай, хавфсиз жойга олиб чиқилди. Бу икки ички ишлар ходимининг фидойилиги учун жағарма кенгаши ва шўъба корхона раҳбарияти номидан миннатдорлик билдираман. Касбга бўлган фидойилик уларни ҳеч қачон тарқ этмасин! Ҳурмат билан И. Тошқенова».

ЯНГИ ЙИЛДА БИНОДА

Кейинги йилларда вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги хизматида шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунга қадар Мингбулок, Чуст, Чортоқ, Норин туманлари, Қамчиқ доғидаги касбийлашган ёнгин хавфсизлиги қисмлари учун янги бинолар қуриб берилган эди. Эндилда учқўрғонлик ёнгин ўчи-

рувчилар учун ҳам ана шундай қулайлик яратилди.
Учқўрғон туманидаги 8-қисмийлашган ёнгин хавфсизлиги қисми биноси учун ер майдони ажратилиб, қисқа фурсатда хашар йўли билан мухташам маскан барпо этилди. Бу ерда ўқув машғулотлари, Маърифат дарси ўтказиш имконияти мавжуд. Бинонинг фой-

даланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими Бақодир Юсупов, ИИБ бошлиғи вазирафини бақарувчи, подполковник Бақодир Қурбонов иштирок бўлиб, йўл қаракатлари янги бино билан табриклашди. Тақбирда сўзга чиққан ходимлар бундай эътиборга жавобан янада самарали меҳнат қилишлари, давлат ва фуқаролар молмулкини ёнгиндан асраш учун бор куч-имкониятларни ишга солишларини таъкидлашди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор,
Наманган вилояти.



Истиқлол ва порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда беш йил тўлади. Бу майдон Ватанимизнинг салобати, ифтихори, юрагидир. Юртдошларимиз ҳамда ташриф буюрётган меҳмонларнинг бу муқаддас масканини зиёрат қилишларида рамзий маъно бор. Зеро, бу аждодларимиз орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган азиз неъматлардан бири – Истиқлол тимсолидир. Шу боис унинг шуққини ана шу муаззам майдон тимсолида юракдан ҳис этамиз.



ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛИ

Бош майдонга қадам қўйган ҳар бир инсон қалбида эзгу туйғулар жўш уради. Сенат қаршисидаги фавворалар, йўлқаларнинг ўзига хос безағи, тўрт фаслда ҳам бир хил либос кийган дархат ва яшил майсалар киши диққатини тортади. Беш йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи улугворлиги, қўрқу салобати билан халқимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалайди.
Шунингдек, монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу мақсадларини мужассамлаштирган ноёб мажмуадир. У Президентимиз Ислам Каримовнинг жоғси асосида танили хайкалтарош Илҳом Жақборов томонидан яратилган.

Мамлакатимизда ўтадиган умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш расмий таомилга айланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрдиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли делегациялар, бошқа меҳмонлар ҳам Монумент пойига гулчамбар қўйиши аънаъна тусини олди.
Таъкидлаш жоизки, Бош майдондаги ушбу монумент авлодларга юртимизнинг бой ўтмиши, бугунги саодатли кунлари-ю, истиқболи ҳақида ҳикоя қилади. У асрлар давомида Ватанимиз юрағи бўлиб туравериши ва ворисларимиз янада ифтихор туйиб, уни мустақкам авайлаши, қадрига етиши шубҳасиздир.

Ўз муҳбиримиз.

Хушёрлик – осойишталик кафолати

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Юртимизда байрамлар кўп. Улар орасида айниқса, Янги йилни кўтиб олиш қалбларга ўзгача шуққу бахш этади. Яна бир томони, мактаб ўқувчиларининг қишки таътили бошланади, болажонлар учун арча байрамлари ташкил этилади. Маълумки, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жойда тантаналар кўнгилдагидек ўтади. Ана шундай шарафли вазифани адо этаётган республика ички ишлар идоралари ходимлари айём тадбирлари ўтказиладиган пайтларда хизматга ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан ёндашишади.

Одатдагидек, байрам арафасида республика Ички ишлар вазири раҳбарияти томонидан 2011 йилни муносиб кўтиб олиш, байрамни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда нишонлаш даврида жойларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБларига юборилди. Унга қўра, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, туман, шаҳарларда байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойлар ҳамда уларнинг атрофида ички ишлар идоралари патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимларининг кўчайтирилган хизматлари ташкил этилади. Кўчалар, аҳоли гавжум жойлар, томошагоҳлар атрофлари, гузарларда барқарорликни таъминлаш борасида бошқа хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда назорат ишлари олиб борилади.

Мазкур байрам арафасида ҳам аввалги йиллардагидек, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида қишлоқ ҳўжалиги мақсудларининг савдо ярмаркаси уюштирилади. Ярмарка фаолиятининг бир маромда бориши, тартибсизликлар келиб чиқишига йўл қўймашлик учун савдосотик қилинадиган майдонлар ички ишлар идоралари ходимлари томонидан назорат қилиб турилади. Шу билан бирга, вилоятлардан келаятган, қишлоқ ҳўжалиги мақсудларини юк-

ланган транспорт қарвонлари қаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этишига катта эътибор берилади.
Ҳокимликлар, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва мутасадди идоралар вакиллари билан ҳамкорликда «Президент арчаси», мактаб ўқувчилари учун байрам тадбирлари ташкил этиладиган саройлар, заллар, шунингдек, оммавий сайилар ўтказишлари режа-лаштирилган жойларнинг техник мустақкамлиги ва ёнгин хавфсизлиги ҳолати пухта текшириб чиқилди.
Республика ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, террорчилик-қўпуровчилик қаракатлари содир этилишига йўл қўймашлик, жиноят қилишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга ижобий профилактик таъсир ўтказиш мақсадида ўтказилаётган «Тозалаш – Антитеррор» тадбири давом эттирилади.
Бир сўз билан айтганда, юртдошларимиз ва меҳмонлар Янги йил байрамини кўнгилдагидек кўтиб олиши, тадбирлар мароқли ўтиши, болажонлар мириқиб дам олиши учун ички ишлар идоралари ходимлари хизматни серғаклик билан ўтаб, бор маҳоратларини ишга соладилар.

Улугбек НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва
ЖТСББ бошлиғи, полковник.

Юксак мукофот соҳиблари

БУРЧГА САДОҚАТ НАМУНАСИ

Республика ИИБ Академиясини битиргач, лейтенант Нурилло Билолохунов Марҳамат тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили этиб тайинланди. Ёш офицерга катта тезкор вакил, капитан Лутфулло Акбаров мураббий этиб боририлди.

Устоз шогирдига ўзининг бой тажрибасини, изкуварлик фаолияти сирасорларини эринмасдан ўргатди. Шогирд ҳам кўнг билан ўрганишдан чарчамади, кундалик хизмат жараёнида амалий кўникмалари орта борди. У аста-секин ҳар қандай қалтис, мураккаб вазиятда тўғри, мақбул қарорлар қабул қилиб, тез, аниқ ҳаракат қилиш малакасини эгаллади.

Орадан бир ярим йил ўтиб, муайян тажриба тўплаган Н. Билолохунов Асака шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш гуруҳи катта инспектори этиб тайинланди. 2006 йилда уни Андижон вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили лавозимига ўтказишди. Орадан кўп ўтмай интизомли, оғир-босиқ, изланувчан, топқир бу ходим катта тезкор вакил лавозимига лойиқ кўрилди.

Шажарий сифатларини, тезкор-қидирув фаолият борасида тўплаган бой тажрибаси, орттирган амалий кўникмаларни ҳисобга олиб раҳбарият капитан Н. Билолохуновни вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили этиб тайинлашга қарор қилди. Яқинда унга майор унвони берилди.

Борис КЛЕЙМАН. Андижон вилояти.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

ЙЎЛ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК



Булдан ташқари, одамлар гавжум жойлари, йўловчи ташувчи транспорт воситаларида ҳаракат иштирокчиларини ҳушёрликка қароқчи эълон ва паннолар олиб қўйилди. Афсуски, олиб борилаётган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, юрдошларимизнинг мавжуд қоидаларга нисбатан муносабатларидан қониқиб қолган ҳолатлар кўпайиб кетди.

Бугун республикаимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ҳаракат иштирокчилари ўртасида йўлларда ҳаракатлаш маданиятини тарғиб қилиш, «Йўл ҳаракати қоидалари»га чуқур ҳурмат ва итоатни шакллантириш, турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ниҳоят, юрдошларимизни фалокатлардан ҳимоя қилишдир.

Гулсанам ва 8 ёшли Дилнавоз исмли қизларини, 1995 йилда туғилган Мафтунна Исмадиёрова, 1997 йилда туғилган Моҳигул Тожибоеваларни уриб ҳосил қила олмайлик. Ҳаракат иштирокчиларида «Йўл ҳаракати қоидалари»га чуқур ҳурмати шакллантириш фойда келтирилади. Қунда-қунора юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари шундан далолат беради.

Вилоят ва Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармалари, ЙХБ ҳодимларининг ҳамкорликда олиб борган тезкор қидирув тадбирлари натижасида Фарғона шаҳрида яшовчи Г. Мўмина мазкур жиноятни ўзининг «Ласетти»

масини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифадир. Худди шу мақсадда умумтаълим мактабларида «Йўл ҳаракати қоидалари»ни алоҳида дарс сифатида ўқитиш жорий қилинган. Аммо шуниси борки, барча билим даргоҳларида ҳам бу ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган, дея олмаймиз.

«Тозалаш – Антитеррор»

ҲАР БИР ҲОЛАТ ЭЪТИБОРДА

Шу кунларда республикаимиз ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш, террорчилик-қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилишига йўл қўймаслик, жиноят қилишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга нисбатан профилактик таъсир чораларини ўтказиш мақсадида «Тозалаш – Антитеррор» тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Унда ички ишлар идоралари ходимлари билан бирга маҳалла посбонлари, фаоллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишяпти.

лантирди. Гумондор наманганлик Б. Улмаас бўлиб, таниши Д. Содиқованинг хонадониде ўзаро жанжал оқибатида унинг жонига қасд қилгани маълум бўлди.

Республика ИИБ ҲООББ қошидаги «Тозалаш – Антитеррор» тезкор штаби ишчи гуруҳидан олинган маълумотларга қараганда, тадбир жараёнида жамоат тартибини бузганлиги ёки шубҳа уйғотганлиги учун ички ишлар идоралари ва милиция таянч пунктларига 261 450 нафардан ортиқ шахс олиб келинди, 4300 нафарга яқини профилактик ҳисобга олинди. Иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахслар реабилитация марказларига жойлаштирилди.

Жорий йилнинг 9 декабрь кунини Қарши тумани Беклар қишлоғида яшовчи Ж. Ойбек бошқарувидаги «Нексия» русумли автомашинага олиб боришни илтимос қилиб ўтиришди. Кейин ҳайдовчига тиз ўқталиб, дўппослашиб, автомашинани олиб қочиб кетишди. Ички ишлар ходимларининг суриштирувлари натижасида икки жиноятчи ҳам қўлга олинди.

Улутбек ТҲИМБОЕВ, ИИБ ҲООББ Матбуот котиби, майор.

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

МАСТЛИК РОСТЛИК...МИ?

Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманида яшовчи Х. Шароф маст ҳолда Я. Фарҳодни куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, «НУВЕ» русумли уяли телефонини олиб қўйди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати натижасида талончи ушланди. Энди у маълум муддат сиймоси алоқа воситасидан фойдалана олмайди.



ТЕЛЕФОНЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Самарқанд шаҳрида номаълум шахс Оқдарё туманида яшовчи Ж. Ихтиёрни кўрқитиб, унинг икки дона «Нокия» русумли уяли телефонини олиб кетди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни мазкур шаҳарда яшовчи Д. Григорий содир этгани аниқланиб ушланди.

ТУНДА ДҲҲОН ОРАЛАБ...

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod туманида номаълум шахс Ф. Гулом кўчасида жойлашган, тадбиркор А. Дилдорага тегишли савдо дўқони эшиги куфини



КОЧОҚ ҲАЙДОВЧИ

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида номаълум ҳайдовчи автомашинани бошқараётган Сарносиё туманида яшовчи Д. Санжарни уриб юборди. Ачинарли томони, у жабрланувчига ёрдам кўрсатмай, воқеа жойидан қочиб кетди.

Норали ОЧИЛОВ, катта лейтенант.

ТАДБИР САМАРАЛИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда давом этаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да Хоразм вилоят ИИБ ЙХБ ҳодимлари ҳам ушқоқлик билан иштирок этиб, кенг қўламадаги ишларни амалга оширишмоқда. Тадбирни юқори савиёда ўтказиш учун махсус режа ишлаб чиқилди. Унга асосан тарғибот гуруҳи ташкил этилиб, ЙХБ ҳодимларидан ташқари, «Маҳалла» хайрия жағмағмасининг вилоят бўлими, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаларининг етакчи мутахассислари жалб қилинди.



Муаллиф олган сурат.

Бу муҳим тадбирда ички ишлар идораларининг 370 дан ортиқ жамоат таъминлаш билан боғлиқ тадбирнинг 120 нафарга яқин ходимлари фаол иштирок этишяпти. Шу кунга қадар 41 та йўл белгилари ўрнатилди. Пиёдалар йўлакларига таъмирлаш ишлари олиб борилаётди. Йўлларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолган қисмини зудлик билан таъмирлаш юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар юборилди.

Худойберган РАЗЗОКОВ.

Суратда: вилоят ИИБ ЙХБ алоҳида ИПХ отряди инспектори, кичик сержант Санжар Йўлдошев ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

Янгиликдан хабарингиз борми?

Маълумки, 2007 йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларнинг воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқарилган, йилдан қатъи назар, автомобилларнинг воситалари учун улар эгалларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек, янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автомобилларнинг воситалари учун мажбурий тартибда, 2009 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб эса 2011 йил 1 январьгача – янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек, фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомобилларнинг воситалари учун мажбурий тартибда янги, миллий давлат рақам белгилари берилиши режалаштирилган.

МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Янги давлат рақам белгилари жорий этилишидан кўзланган мақсад автомобилларнинг воситалари миллий давлат рақам белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, қалбақлаштирилгани ва ноқонуний фойдаланилишининг олдини олишдан иборат. Шунга кўра давлат рақам белгилари ёруғлики ақс эттирувчи қопламага эга, қалбақлаштиришдан юқори даражада ҳимояланган, чидамли ва коррозияга қарши металл қотишмасидан тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг жадал суръатлар билан ривожланиши, автомобиллар сони ортиб бораётгани инобатга олиниб, шунингдек, юқоридаги қарорнинг ижросини сифатли таъминлаш мақсадида 2010 йилнинг 3 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларнинг воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш муддатларини узайтириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан энди фуқароларимиз янги кўринишдаги давлат рақам белгиларини 2013 йилнинг 1 январига қадар алмаштиришлари мумкин.

Давлат рақам белгисини олиш учун автомобилларнинг воситаси эгасидан республикаимиз ҳудудида жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим баробари миқдорда, қайда эшити гувоҳномаси олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорда бож ўндирилади.

Мансуржон РИХСИЕВ, ИИБ ЙХББ катта инспектори, подполковник.

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ – МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Маълумки, мамлакатимизда кейинги йилларда йўловчи ташиш соҳаси тобора такомиллаштириб бормоқда. Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш бўйича барча қулайликлар яратилаётгани фикримиз далилидир. Сирдарё вилояти ИИБ ЙХБ ҳодимлари вилоятдаги йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт корхоналари, хусусий уюшмалар фаолиятини ўрганиб чиқиш билан бир қаторда, автомобиль йўлларда ҳаракатланаётган автобус, микроавтобус ва энгил такси ҳайдовчилари томонидан талаб-қоидаларга риоя этилиши қай даражада эканлигини ўрганиб чиқишмоқда.

Бундай ишларга аниқса, «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этаётган шу кунларда янада масъулият билан киришилган. Вилоят ИИБ ва «Узавтодарё-транс» агентлигининг вилоят бўлими ҳамкорлигида режа ишлаб чиқилиб, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ҳар бир ташкилот, транспорт корхоналарининг муҳандис-техник ходимлари, ҳайдовчилари билан суҳбатлар ўтказилапти. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига кундалик йўриқномаларда хизмат давомида транспорт воситаларининг техник ҳолати, ҳайдовчиларнинг соғлигини тиббий кўриқдан ўтказиб бориш, шунингдек, одам ташиш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни қўйиштириш тўғрисида кўрсатилган беришмоқда.

Ойлик доирасида ходимларимиз томонидан муайян ишлар амалга ошириляпти, – дейди вилоят ИИБ ЙХБ бўлим бошлиғи, капитан Зокир Жўраев. – Чунки, ойлик эълон қилингандан шу даврга қадар Гулистон шаҳридаги «Шерзод-транс-сервис», «Учлик ишонч», «Гулистон карвонтранс», «Ниссантранс», «Экспресс-авто» каби йўловчи ташиш билан шуғулланувчи хусусий уюшмалар жамоаларида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» талаблари бўйича тадбирлар уюштирилди. Мулоқотлар чоғида ҳукуватимизнинг фармойишга асосан ўтказилаётган ойликнинг асл муҳияти, ундан кўзланган мақсад бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилади.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошлангач дастлабки кунларнинг ўзиде автомобиль йўлларига 114 мартаба рейдлар ташкилланганлиги, Рейдлар давомида 1257 та йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаси кўрикка жалб этилди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, Сирдарё вилояти.

ХИЗМАТЛАРДА

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Профилактика инспектори, лейтенант Салоҳиддин Анқаев иш кунини фуқаро Шухрат Бобоевни профилактик ҳисобдан чиқариш учун маҳалла фуқаролар йиғини раиси Новот Бекмирзаева билан маслаҳатлашишдан бошлади.

– Яхши ўйлабсиз, бу йилгит кейинги пайтда жамоат ишлари га ҳам аралашиб анча фаол бўлиб қолди. – деди Гагарин шаҳар «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н. Бекмирзаева. – Юринг, хонадонига борамиз, бир йўла турмуш шароитини ҳам кўриб келамиз.

Профилактика инспектори, лейтенант Салоҳиддин Анқаевнинг Гагарин шаҳридаги Мустақиллик маҳалласига хизмат кўрсатаётганига кўп бўлмади. Аммо у аллақачон фуқароларнинг ишончини қозона олди.

– Маҳалламизда ўндан ортиқ миллат вакиллари яшайди, – дейди Новот Бекмирзаева. – Гарчи кўп йиллардан бери кўни-кўшни бўлсалар-да, гоҳида арзи-

маган нарса учун жанжаллашиб қолдиганлар ҳам бор. Ана шунда профилактика инспектори Салоҳиддин Анқаевнинг фаолияти муроғига келтириб, яраштириб қўйди. Яна бир томони маҳалладаги фуқароларни яхши ўрганиб олган.

Маҳаллада жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йилнинг шу даврга нисбатан олтишмиш фоизга камайди. Содир этилган жиноятларнинг ҳаммаси «иссиқ изида» фож этилиб, айбдорлар қўлга олинди. Жумладан, Гагарин шаҳридаги 1-мактабда ўқувчиларнинг ҳужжатларини қалбақлаштириш билан боғлиқ ҳолат аниқланди. Шу



Суратда: лейтенант С. Анқаев маҳалла фаоллари билан.

Б. БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.

Садриддин ШАМСИДИНОВ. Жиззах вилояти.

Йул-йўлакай улар Ш. Бобоевнинг нима учун судлангани, қилмишидан пўшаймон бўлиб, кечирим сўрагани ҳақида гаплашиб кетишди. Эшик олди ҳам анча тартибга келиб қолди.

– Худого шукр, – деди Ш. Бобоевнинг рафиқаси уларнинг мудоасини билгач. – Тинчгина ишлаб қўрибдилар, рўзгоримизга барака кирди. Ўтган ҳафта янги телевизор олиб бердилар. Болалар хурсанд.

Профилактика инспектори хонадондан кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқди.

– Ҳужжатларни тайёрлайверинг, мен унинг иш жойидагилар билан гаплашдим, яхши фикрлар айтишди, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Мирзачўл тумани ИИБ профи-

Томди тумани Навоий вилоятининг Қозғистон Республикаси билан чегарадош худуд ҳисобланади. Тўрт томони белоең кум барханлари билан ўралган ушбу ғўшада 19 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фуқароларнинг аксарият қисми қозоқ миллатига мансубдир. Улар иноқ бўлиб, бир оила фарзандларидек тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда.

Одамлар асосан чорвачилик билан шуғулланади. Шундай бўлгач даромадининг асосий қисми ҳам чорвадан. Аҳоли орасида тадбирқору ишбилармон кишилар кўпайиб бораёпти. Буни кейинги пайтда кичик ишлаб чиқариш цехлари, савдо дўконлари ва турли-туман маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалари қад ростлаганидан ҳам билиб олиш мумкин.

– Бугунги кунда бу ерда тинчлик ва осойишталикни сақлашга беш нафар профилактика инспектори жалб этилган, – дейди туман ИИБ бошлиғи, майор Ҳасан Эшмуродов. – Шунингдек, милиция таянч пунктларида ички ишлар ходимлари билан бирга маҳалла пос-

11 та мактабгача тарбия муассасаси ва Агроиктисодиёт касб-хунар коллежида болаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда дунёқарашини бойитишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилмоқда.

«Янги-чорва» ширкат хўжалигига хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори, катта лейте-

ОДАМЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ

нант Кайрат Есбанов яқинда бир жиноятнинг фож этилишига муносиб ҳисса қўшди.

– Худудни айланб юрганамизда кум барханидаги юк машинасининг янги изи эътиборимни тортди. Чўққалаб, яхшироқ разм солдим. У оғир юк олиб ўтилганидан далолат беради. Зудлик билан туман ИИБ наватчилик қисмига кўнғироқ қилиб, вазиятни маълум қилдим, – дейди профилактика инспектори.

Кўп ўтмай «Учтепа – Томди» йўналишида ҳаракатланиб келаётган «Газ-53» русумли юк автомашина тўхтатилди. Унинг юкхонаси текширилганда тегишли ҳужжатларсиз турли қурилиш ашёлари ва 578 дона елим идишда спирт маҳсулотлари борлиги аниқланди. – Кайрат Есбанов уч йилдан бери профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатиб келаяпти, – дейди майор Ҳ. Эшмуродов. – У талабчан, қобилиятли ходимларимиздан бири ҳисобланади.

Профилактика инспектори худудда рўй берган бирорта ҳуқуқбузарлик

юзасидан, у хоҳ эр-хотин, хоҳ кўни-кўшнлар ўртасидаги низо бўлсин, кексалар билан бамаслаҳат иш қўради. Шу боисданми, уч йилдан бери худудда бирорта ҳам оғир жиноят содир этилмади. Бу эса профилактика инспектори фидойилик билан фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. У ширкат хўжалиги раиси Муродбек Абдуазов ва маҳалла посбони Бибет Сибаяев билан бирга одамларнинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор. Тўю маъракаларга бош-қош. Ушбу аҳиллик туфайли хонадонларда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда.

Диас Базарбаев кураги ерга тегмаган полвонлардан.

У етти йилдан бери вилоят ички

дея суҳбатдошим сўзини давом эттирди. – У сира иккиланмай розилик билдирди. Шу-шу сафдор Диас Базарбаев ички ишлар бўлимининг таъминот бўлимида милиционер-ҳайдовчи лавозимида хизмат қилаёпти.

Биз Диас билан учрашдик. Ҳақиқатан ҳам гавдали, пахлаван йилгит экан. Азалдан полвонлар камгап бўлади. У ҳам бизга эл-юрт осойишталиги йўлида хизматини аямаятганини айтди, қисқагина. Лекин туман ИИБ паспорт столи бошлиғи, сержант Шухрат Пирматов Диас Базарбаевнинг отаси – Қайирбай ака ҳам номдор полвонлиги, у ўғлидан икки-уч баробар савлатли эканлигини айтди.

Ниҳоят, паспорт тизими хусусида тўхталиб ўтиш вақти келди. Туман аҳолиси камчилик бўлгани билан бу ерда ҳам келиб-кетувчилар, паспорт олувчи, алмаштирувчи фуқароларга хизмат кўрсатиш анчагина қийинчилик туғдиради. Фикримизни уққандек сержант Шухрат Пирматов ўз мулоҳазалари билан

ўртоқлашди:

– Туман марказидан анча олис бўлган «Бирик», «Керегетау», «Керизбулок», «Янги-чорва», «Аяққудук» ширкат хўжаликларига қўлайлик яратиш мақсадида ходимларимиз билан ўша жойларга бориб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик.

Чўл шароитида ишлашнинг ўзи бўлмайди. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, кези келганда вақт билан ҳисоблашмай, транспорт «оёғи» етмаган олис хўжаликларга гоҳида отулов, баъзан яёв боришга тўғри келади. Ходимларимиз аҳолининг паспорт тартиботига амал қилишини назорат қилиш мақсадида профилактик ишларни ўз вақтида олиб боришяпти.

Ҳа, Томди туманида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун бор имкони-ярта ишга солинаёпти. Шунинг учун ҳам ички ишлар ходимлари одамлар меҳри, ишончи ва эътиборини қозонишмоқда.

Мирзо АҲАДОВ. Навоий вилояти.

МУНОСИБ ЎРНИ БОР

Берунийлик Махсуд Матупаев «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари бўлишга аҳд қилганида кўпчилик бу масъулиятли вазифани уддалашига шубҳа билан қараган эди. Аммо синовлардан муваффақиятли ўтиши шубҳаю гумонларга ўрин қолдирмади. Мана, уч йилдари тумандаги Наврўз маҳалласида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. У фидойилиги билан аҳоли ўртасида ўз ўрнини топа олди.



Суратда: «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Махсуд Матупаев (чапда) иш пайтида.

қичқира бошлашди. Бирпасда одамлар йиғилишди, бироқ ҳеч ким ҳовлини жанг майдонига айлантирган оғ-иниларнинг ўртасига тушишга журъат этолмади. Шу пайт етиб келган Махсуд ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, қўрқмасдан акасига таҳдид қилаётган Тимурнинг қўлидан пичоқни қайриб олиб, хавфни бартараф этди. Бундан ташқари, профилактика инспектори, катта лейтенант Ф. Абдуллаев ва маҳалла оқсоқоли А. Бекимов билан биргаликда олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида мазкур оиладаги носоглом муҳит яхшиланди.

– Хонадонимиздаги айрим келишмовчиликлар оқибатида кўч-кўронимни кўтариб отамниқига қайтиб келганим. «Ма-

ҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Махсуд Матупаевнинг беғараз ёрдами туфайли мавжуд муаммолар ўз вақтида ҳал қилиниб, мен яна қадрдон оилам бағрига қайтдим, – деди Мусо Бахши кўчасида яшовчи Света Довутова.

Маҳалладаги қайси бир фуқаро билан суҳбатлашманг Махсуд Матупаев ҳақида илиқ фикр билдиради. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, жонқур ва одамларнинг дард-ташвиши билан яшайдиган инсонгина ана шундай хурматга лойиқ бўлади.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Махсуд Матупаев (чапда) иш пайтида.

Муаллиф олган сурат.

МУЛКЛАР ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузурдаги қўриқлаш бўлими ходимлари давлат ва фуқаролар мулки дахлсизлигини таъминлаш билан бирга шаҳарда жомат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасида самарали фаолият олиб боришмоқда. Шу туфайли қўриқланаётган объектларда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирорта ўғирлик содир этилишига йўл қўйилмади. Бунинг муҳим омилли шундаки, бўлимда давлат ва фуқаролар мулкнинг қўриқланиши муҳаммал назорат остига олинган. Қолаверса, хизмат худудлари замонавий, ишончли ва қулай қўриқлаш, ёнғиндан оғохлан-тирувчи сигнализация қурилмалари, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланган.

Ҳозирги кунда ходимлар томонидан мулкчилик шакли турлича бўлган 134 та халқ хўжалиги объектлари, 130 дан ортиқ хонадонлар ва давлат муассасалари бинолари шартнома асосида қўриқланмоқда. Мол-мулкни яши-

Майда ташмачилик ҳолатларини аниқлаш ва айбдорлар қонуний жавобгарликка тортилишини таъминлашда бўлим катта инспектори, сержант Дилмурод Кабиров, бўлима сардори, кичик сержант Валиёр Умаров, кичик сержант Раҳимжон Мамажонов ва бошқа ходимларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қўриқлаш

Қўриқлаш бўлими раҳбарияти масъулиятли вазифаларини шараф билан бажариш, объектлар ишончли қўриқланишини таъминлаш учун ходимларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билимини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА, подполковник. Фарғона вилояти.

ЁНҒИН ЎЧИРИШДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Маълумки, содир бўлган ёнғин зудлик билан ўчирилмаса, у катталашиб, жиддий зарар келтириши мумкин. Ҳозирги кунда аксарият жойларда бу тоифадаги ёнғинлар шахсий таркиб томонидан автомобилдан тортилган сув енглар ёрдамида бартараф этилмоқда. Бир вақтнинг ўзида ёнғин ўчириш автомобиллини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ҳаракатлари, сув билан тўла енгларни айнақса, галлазор бўйлаб тортиш, сигимдаги сув ҳажмининг етарли эмаслиги, ўчириш жараёни узок мuddатда бажарилиши, мавжуд ёнғин ўчириш автомобилларининг имкониёти чекланганлиги ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ташаббус

Айнан шу йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш, бу каби ёнғинлар билан курашишда замонавий усулларни қўллаш мақсадида Наманган вилояти ИИБ ЕХБ 4-техник хизмат кўрсатиш қисми ҳамда Ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми мутахассислари томонидан республикада биринчи маротаба АЦ-40(131) русумли ёнғин ўчириш автомобилнинг модификациялаштирилган варианты ишлаб чиқилди. Мазкур автомобиль 20-30 км. соат тезликда ҳаракат қилган ҳолда катта майдонлардаги (асосан ғалла экилган майдонлар) ҳамда ўрмонларда содир бўлган ёнғинларни қисқа вақт ичида бартараф этиш қудратига эга.

Ёнғин ўчириш машинасининг қўлайлиги шундаки, ёнаётган экин майдонларини ўчириш жараёни автомобилдан тушманган ҳолда, тўғридан-тўғри бошқарилади. Бу ишларга автомобилнинг олд қисмида ўрнатилган қувур пуркагич (суви 12 метрга-ча отиб беради) жуда қўл келади. Машинани ёнғин

ўчоғига олиб ўтиш имкониёти бўлмаса, ёнғинни стационар тирсақли дастак орқали ўчириш мумкин. Автомобилдаги 5 минг литр сув захираси эса ўчириш жараёнини узок вақт давомиде олиб бориш имкониёти беради. Бундан ташқари, автоцистернадан ёнғин жойига сув ва ёнғин техник жиҳозларни етказиб беришда, оралик сигим сифатида, шунингдек, цистернадаги сув билан ёки ташки сув манбаидан ёнғинни ўчиришда (тирсақли дастак ёрдамида ёки енгиларни ёзиш билан) ҳам фойдаланиш мумкин.

Сигимдаги сув захираси (5000 л) қувурли пуркагични 15 дақиқагача (насос босими 5 атм.) бетўхтов ишлашини таъминлайди. Натижада 10 км.с тезликда 9960 кв.м. майдондаги ёнғинни ўчирса бўлади.

Автоцистернадаги тирсақли дастак насадкаси 19 миллиметрли бўлиб, сув ўтказиш имкониёти 7,0 л.с. ни ташкил этади ва 12 дақиқагача тўхтовсиз сув бера олади. Тирсақли дастакдан тўхтаб турган пайтда, биринчи ёки иккинчи узатишда ҳаракатланиш ҳолатида фойдаланиш мумкин.

Ҳайдовчи кабинасида бошқариш дастаклари ва асбоб-анжомлари билан бирга ПН-40У русумли ёнғин ўчириш насоси ўрнатилган. Насос ҳаракати қувватни олиш қутичаси ва қардан валидан иборат кучли узатгич орқали амалга оширилади. Ҳозирда машина жанговар ҳисобга қўйилган.

Мазкур ёнғин ўчириш машинасининг яратилиши соҳа ходимларининг ишини енгиллаштириш, шу билан бирга, сифатли ва тезкор фаолият олиб боришга қаратилган.

Рустам АБДУЛЛОЕВ, майор. Наманган вилояти.





МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР АСРЛАР ҚАЪРИДАН ТАРАЛАЁТГАН НАВОЛАР

Хар қайси миллат ва халқнинг урф-одатлари, анъаналари, санъати ҳамда тарихий мероси уларнинг гурури, ифтихори бўлиб, шу юртда умргузаронлик қилаётганларнинг маънавиятини ривожлантиришга ҳисса қўшади, келажақда истиқболни янада шакллантиришга ва ёшлар дунёқарашининг кенгайишига замин яратди. Ана шу қадриятларни эъзозлаган замонавий халқ ижодиёти фольклор-этнографик ансамбллари ижодий изланишларни кенг шакллантириб, азалий анъаналарни давом эттиришга барчага манзур бўлмоқда.

Миллий анъаналарни эъзозлаб, унинг юксалишига ҳисса қўшиб келаётганлардан бири – утган асрнинг етимишини йилларида Қорақалпоғистон Республикасида ташкил топган «Айдинлар» ижодий жамоасидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Маданият саройида мазкур ансамбл таркибидagi Оролбўйи минтақаси ёшларининг концерти бўлди. Уни бир неча йиллардан буён «Ўзбегим ёшлари» ансамблига бошчилик қилиб келаётган бадиий раҳбар Людфия Рузибаева уюштирди.

«Айдинлар» ансамбли жамоасининг олдида қўйган бош мақсад – халқ ижодий санъатини сақлаш ва уни тарғиб қилишдан иборат, – дейди Л. Рузибаева. Тадбирда иқтидорли ёшлар достонлардан парчалар, сеғви ҳаққидаги қўшиқлар, халқ уйинла-

ри ва айтишулардан ижро этишди. Айниқса, «Шўхрат» медали соҳиби Женисбек Пиязовнинг чиқиши ҳамда бошқа ижрочиларнинг қорақалпоқча, шунингдек, русча, инглизча ашулалари муҳлислар эътиборини тортмай қолмади.



Ушбу кечада санъат ихлосмандлари қаторида республика ИИВ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби ҳамда Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг ўқитувчи ва курсантлари, ансамбл иштирокчиларининг яқинлари, ота-оналари ҳам қатнашди. Энг му-

ҳими, улар «Айдинлар» жамоасининг куй ва қўшиқларидан завқ олишди, маданий ҳордиқ чиқаришди.

Ўз муҳбиримиз.
Суратларда: тадбирдан
лаҳзалар.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

АРЧАМИСАН АРЧА

Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу-Дабиди шаҳридаги меҳмонхонага баландлиги ўн метр келадиган арча ўрнатилди. Унга олтин суви югуртирилган, қимматбаҳо ўйинчоқлар осилган. «Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, у дунёда энг қимматли арча деб баҳоланмоқда. Бу гаройиб янги йил тўхфаси мамлакатга ташриф буюрадиган хоржилик сайёҳларни ҳайратга солиши шубҳасиз.



ланмоқда. Ушбу табиий офат туфайли етти киши қурбон бўлган, йигирма беш киши турли дара-

ахборот агентлиги хабар қилади. Парвоз йўлдошини Ердан туриб бошқариш мажмуаси ҳали тайёр бўлмаганлиги учун кечиктирилган. Бундан ташқари, муҳандислар аппаратининг барча техник тизимларини қўшимча равишда текшириш лозим деб топишган.

ЕВРОПА ҚОР КЎЙНИДА

Европада ёққан қор йўловчи ташиш авиацияси парвозларини деярли тўхта-тиб қўйди. Сабаби аэропортларни қалин қор қоплаган. Уни тозалашга улгуришмаяпти. Поездлар қатновида ҳам узил-пишлар бўлмоқда. Автомобиль йўлларида ҳам қатнов қийинлашган. Аксар йўловчилар рождество таътилари йўлда ўтиб кетишидан хавотирда.



жада тан жароҳати олган, бир нечта кишлоқ вайронга айланган. Вайроналар остида қолиб кетган одамларни қутқариш чоралари кўрилмоқда. Ушбу ҳудуд сейсмик фаол зона ҳисобланади. Жумладан, 2003 йилда мазкур музофотда жойлашган Бам шаҳрида ер силкинганда 31 мингга яқин одам ҳаётдан қўз юмган эди.

МЕТАЛЛОЛОМГА ТОПШИРИЛГАН... ҲАЙКАЛ

Шу йил ноябрь ойи охирида Испаниянинг Хатафе шаҳрида 30 га яқин санъат асари ўйрилган эди. «El Pais» агентлигининг хабар қилишича, полиция ходимлари барча суратлар ва ҳайкаллари бус-бутун ҳолда топишган. Мадрид полицияси матбуот хизматининг маълумотларига қараганда, ўғрилар ҳайкаллардан биринчи 30 еврога металлломга топширилган экан. Шундан сўнг бош-бош асарларини топишга муваффақ бўлишган. Ҳайкаллар Эдвард Чильдининг ижод маҳсули, суратлар эса Фернандо Ботеро ва Пабло Пикассо мўйқаламига мансуб эди. Уларнинг умумий қиймати беш миллион еврога яқин деб баҳоланмоқда.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Тақдимот

Бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.

Ислом КАРИМОВ.

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ



Файласуфлардан бири айтган экан, шеър бир нечта сўзлар устига ёпилган майин чой-шабдир. Дарҳақиқат, шеърнинг ўзининг бетакрор жилваси, жозибдорлиги билан ҳар қандай одамни мафтун эта олади. Истиқлол шарафати билан ёш шеърнинг намояндаларини кашф этишга қатта аҳамият берилмоқда. Юртимизда иқтидорли ва етакчи қизларни камол топтириш учун таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳам ёш иқтидор соҳибларини қўллаб-қувватлашга қаратилган гам-хўрлик намунасидир.

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Президентимиз томонидан маърифат ва адабиётни ривожлантириш, эзгу фикрларни тарғиб қилиш мақсади билан республика ИИВ Бирлашган тахририяти муҳбири Гули Нигор Авазованинг «Гулнинг эртаги» номли китобининг бориши барча ҳамкасбларимизни қувонтириб юборди.

Тақдимот маросимини республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова кириш сўзи билан очди. Маросимда сўз олган «Саодат» журналі бош муҳаррири О. Ҳожиёва, Ўзбекистон Миллий университети профессорлари Б. Каримов ва Н. Жабборовлар китоблардан ўрин олган шеърлар, ҳикояларни таҳлил этиб, ўзбек шеърининг гузал қирралари янада очилаётганини таъкидлашди.

Мулоҳаза, мушоирага бой бўлган тадбир иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди. Таъкидлаш жоизки, тақдимот маросимини республика ИИВ Бирлашган тахририяти муҳбири, ҳамкасбимиз Гули Нигор Авазованинг «Гулнинг эртаги» номли навбатдаги шеърини тўхфаси ҳам назм ихлосмандларининг оқлишига сазовор бўлди. Бундан ташқари номидаги Давлат мукофоти совриндори Г. Авазованинг «Ўйгон, кўнгли» (2000 й.), «Саодатга йўлловчи маскан» (2002 й.), «Хурлигимни қўлайман» (2003 й.), «Тонг чорлови» (2004 й.), «Бахтим бешиги – дунё» (2005 й.) номли қатор китоблари нашр этилган.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» муҳбири.
Суратда: ёш шoirлар.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ЯНГИ ШАРТНОМА РАТИФИКАЦИЯ КИЛИНДИ

АҚШ Сенати Стратегик ҳужум қуроллари бўйича Россия билан янги шартнома ратификация қилди. Ушбу шартнома ҳар иккала мамлакат президентлари томонидан шу йилнинг 8 апрелида имзоланган эди. Унга қўра ҳар қайси томонда 1550 тадан оператив ядро каллагини қўйиш белгиланган. Бундан ташқари, томонлар 700 тадан қитъаларо баллистик ракетадан билан чекланишга келишиб олишган.

ПАРВОЗ КЕЙИНГА КОЛДИРИЛДИ

Бешинчи декабрь кунини учта «Глонас – М» йўлдоши орбитага кўтарилиши керак эди. Аммо парвоз муваффақиятсизликка учраб, ҳар учала аппарат ҳам Тинч океанига қулаб тушган. «Глонас – К» йўлдошининг 28 декабрга мўлжалланган парвози эса 2011 йилга қолдирилди. Бу ҳақда Россия Мудофаа вазирлигининг космик қўшинлар бўйича матбуот хизмати ва ахборот бошқармаси маълумотларига асосланиб «Новости»

ҚУРБОНЛАР БОР

Эроннинг Керман музофотида рўй берган зилзила Рихтер шкаласи бўйича 6,5 балл дея баҳо-

Мутахассис маслаҳати

АРЧАНИ ЯСАТИШДАГИ ХАВФСИЗЛИК



Янги йил байрамини ясалган арчасиз тасаввур этиш қийин. Айём кўнглидагидек ўтиши учун ҳар биримиз ёнги хавфсизлиги қондаларига амал қилишимиз муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутинг:

- ўқув юртлари ва ташкилотларда арча бинонинг 1-қаватидаги кенг хоналарда ўрнатилиши лозим. Хонада қамида иккита чиқиш жойи бўлиши ва бу жойлар доим қўлланмаган ҳолда бўлиши шарт;
- муассаса раҳбарлари тантана бошланиши олдида ёриткичларнинг созилиги, ёнги учуриш воситалари мавжудлиги ва ишга яроқлилигини текшириб қўришлари зарур;
- арчани қорхонада тайёрланган 24 вольт қувватдан юқори бўлмаган электр чироклар билан ёритиш зарур;
- арчани қоғоз, целлюлоид ўйинчоқлар, пахта ва тез ёнувчи материаллар билан яса-тиш мумкин эмас;
- арчани иситиш мосламалари ёнига ўрнатманг;
- маросим пайтида бенгал шами, турли пиротехника воситаларидан фойдаланиш тақиқланади;
- болаларни арча атрофида ва арча ўрнатилган хонада қаровсиз қолдирманг;
- эҳтиёт шарт, агар ёнги аломати сезилса, болаларни хавфсиз жойга қилиб, тезда «01» рақамига қўнғироқ қилинг.

Улугбек ВАФОВЕВ,
ИИВ ЁХББ муҳандиси, капитан.

Пиротехникага йўл йўқ!

НАЗОРАТ ГУРУҲЛАРИ ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА

Вилоят ИИВ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси ва унинг куйи тизими ходимлари пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши қувишиш ҳамда аҳоли орасида кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш учун бор имкониятларни ишга солишяпти.

Самарқанд шаҳар ИИВ ЁХБ 1-Харбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми инспекторлари томонидан «Дамарик», «Темир йўл» деҳқон бозорлари, «Азиз бозор» ва «Мусо-Хонкелди» савдо қаторлари батафсил текшириб чиқилди. Ундан ортиқ таълим муассасаларида учрашувлар уюштирилиб, болаларга пиротехника воситаларининг хавфли жиҳатлари, инсонга тан жароҳати етказиши мумкинлиги тушунтирилди. Самарқанд вилояти ИИВ ЁХБ 2-даражали ёнги техник лабораторияси ходимлари махсус «Стекло-пластик таҳриба кутиси»да пиротехника воситаларидан фойдалан-



ган ҳолда баланд овоз билан болажонларни узига жалб қилиши ва кучли портлашни намойиш пайтида шаҳар, туман марказлари, савдо мажмуаларида туну кун назорат гуруҳлари фаолият юритаётгани яқини самара берапти.

Ҳа, пиротехника воситаларининг хавфли жиҳатлари, инсон соғлиги учун етказадиган зиён-заҳмати ҳеч қандай бепарқ қолдирмаслиги лозим. Бу муҳим вазифага нафақат ички ишлар ходимлари, балки кенг жамоатчилик диққат-эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Жамшид БАХРИЕВ,
подполковник,
Самарқанд вилояти.

ISSN 2010-5355 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИВ БИРЛАШГАН ТАХРИРИЯТИ МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ	Баш муҳаррир ZIKRILLO NE'MATOV Баш муҳаррир о'ринбосари – Қобилжон ШОКИРОВ Мас'ул котиб – Раҳматилла БЕРДИЕВ Навбatchesi – Гули Нигор АВАЗОВА Саҳифаловчи – Зокир БОЛТАЙЕВ Матн ко'чирувчи – Қулнора СОДИҚОВА	TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51. E-mail: urmvd@inbox.uz Таҳририят ҳисоб рақами 2021000700447980001. МҒО 00421. «Ipak yo'li» аксиядорлик инноватсион тижорат banking Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.	Ко'чириб босишда «Postda»дан олинганлиги ко'рсатиш шарт. О'й-оғозмалар таҳлил қилинмайд ва қайтарилмайди. «Ўзбекистон» нашрийот-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Алишер Навоий ко'часи 30-уй.	Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi. Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-785. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63656 nusxada chop etildi. Obhuna raqamli; Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish shart – 23.00. Bosishga topshirildi – 22.00. MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chaal, 1.
---	--	--	--	---